



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024
2/2-сон



МУНДАРИЖА:

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Соҳибназар Каримов Тасаввуф таълимотида тарбия хизмати масаласи	5
Diyor Haqberdievich Xolmamatov Ulgurji savdoni iqtisodiyotdagi o‘rni va ahamiyati bilan bog‘liq ilmiy-nazariy qarashlar	11
Shohida Kamoliddin qizi Jo‘raboyeva Eksport salohiyati tushunchasining konseptual asoslari	15
Rustam Nuridinovich Jiyamuratov Hududiy eksport salohiyatini oshirishga oid nazariy yondashuvlar	22
РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ	
Ziyobidin Shaminovich Suvonov Sun‘iy intellekt va uning imkoniyatlari	27
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Фарход Бахриддинович Ахроров Ўзбекистонда ер ресурсларини баҳолашнинг экологик-иқтисодий услубияти	31
Shexroza Madjitovna Karimova Qovoq – funksional oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarishda istiqbolli xomashyo	36
ТАДБИРКОРЛИК, МЕҲНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Феруза Асатовна Ишонкулова Необходимые условия для успешной деятельности предпринимательства в Республике Узбекистан	39
Rahmatillo Miralimovich Egamov, Rushona Sheraliyevna Husainova Hududiy iqtisodiyotning rivojlanishida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning o‘rni	45
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Сарвар Аюбовна Исхакова Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда тadbirkorlikнинг салоҳиятидан фойдаланиш имкониятлари	49
Zoxid Sobirovich Axmedov Transport logistikasi xizmatlari samaradorligini oshirishda innovatsion jarayonlarning qo‘llanilishi	53
Обид Мамаюнович Пардаев Хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш ҳисобига маҳаллалар ободлигини таъминлаш масалалари	57
Фарход Анварович Сафаров Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг комплекс стратегик таҳлилини TOWS-матрицаси ёрдамида амалга ошириш имкониятлари	60
Orzujon Mamasoliyevich Rajabov Logistika xizmatlari samaradorligini oshirishda raqamli texnologiyalardan foydalanish	65
Bekzod Maxsudovich Abdumannonov Ekologik toza jamoat transportidan samarali foydalanish – avtomobillar tirbandligini bartaraf etishning kafolatidir	70

Иккинчидан, маҳаллалар фаолиятини молиялаштириш манбалари ва уларнинг амалга ошириш йўллари ҳам ишлаб чиқилди. Мухими, ушбу тадбирларнинг ташкилий-ҳуқуқий меъёрлари ҳам белгилаб берилиши лозимлиги асосланди ва тегишли Давлат органларига бир қанча таклифлар киритилиб, уларни тасдиқлаш орқали ҳуқуқий асослар яратилиши асосланди.

Учинчидан, якка тартибда уй-жойларда истиқомат қилаётган оилалар маҳалла фаолиятига бевосита иштирок этишлари учун улар “**Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла**” тамойили асосида яшашлари амалга оширилиши таъминланиши лозим, деган таклифни бермоқдамиз ва буни амалга ошириш учун унинг ҳуқуқий асосларини ҳам ишлаб чиқилш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, биз ишлаб чиққан тавсияларимиз амалиётга жорий қилинса, шаҳар ва қишлоқ жойлардаги маҳаллаларда йиллар давомида ечилмай келаётган қатор муаммоларни ҳал қилишнинг самарали механизмлари яратилади.

<p>О.Пардаев</p> <p>Вопросы обеспечения благоустройства махаллей за счет улучшения сферы услуг Аннотация: В статье разработаны вопросы обеспечения благополучия махаллей и стратегические направления их развития за счет улучшения сферы услуг. При этом рассмотрены основные предложение о внедрении деятельности «Махаллинской сервисной компании». Также разработаны стратегические направления использования этой новой системы, ответственность и последовательность действий по обеспечению их внедрения. Ключевые слова: сфера услуг, коммунальное хозяйство, махалля, развитие микрорайона, стратегия, стратегические направления, сервисные предприятия.</p>	<p>O.Pardaev</p> <p>Issues of ensuring improvement of mahallas by improving the service sector Annotation: The article develops issues of ensuring the well-being of mahallas and strategic directions for their development by improving the service sector. At the same time, the main proposals for introducing the activities of the Mahalla Service Company were considered. Strategic directions for using this new system, responsibilities and sequence of actions to ensure their implementation have also been developed. Keywords: service sector, public utilities, mahalla, neighborhood development, strategy, strategic directions, service enterprises.</p>
--	---

Фарход Анварович Сафаров – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, и.ф.д.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ КОМПЛЕКС СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛИНИ TOWS-МАТРИЦАСИ ЁРДАМИДА АМАЛГА ОШИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

<p>Аннотация: мақолада мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг комплекс стратегик таҳлили SWOT-таҳлилнинг такомиллашган кўриниши – TOWS-матрицасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Бунда ташқи ва ички омилларни ўрганиш натижасида уларнинг гуруҳлараро интеграциясини амалга ошириш таклиф этилган. Калит сўзлар: хизматлар соҳаси, стратегия, SWOT-таҳлил, TOWS-матрица, ижобий таъсир, салбий таъсир, ички муҳит, ташқи муҳит.</p>

Кириш. Ҳозирги даврда жаҳонда шиддат билан ўзгариб бораётган жараёнларни эътиборга олган ҳолда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш ва уни иқтисодиётимизнинг етакчи соҳасига айлантириш борасида янги имкониятлардан (технологиялар, усуллар, ёндашувлар ва ҳ.к.) фойдаланиш замон талабига айланиб

бормоқда. Мамлакатимизда бу борада танланган стратегия доирасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда 2020 йилнинг «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили» деб номланиши, Ўзбекистоннинг рақамли трансформациялашиш жараёнини жадаллаштириш мақсадида «Рақамли Ўзбекистон – 2030» дастурининг ишлаб чиқилиши юқоридаги фикримизга далил бўлади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини таъминлаш, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Давлат томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг такомиллашиши билан бир қаторда, тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатиладиган инновацион хизматларнинг оммалаштириши кузатишимиз мумкин. Фикримизча, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг пировард самарасини синергетик омил ҳисобига янада ошириш, уларнинг моддий, интеллектуал ва вақт сарфини камайтириш учун бу жараёнларни маълум бир мезонлар асосида бирлаштириш жоиз. Бу эса, ўз навбатида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда тегишли концепцияларини шакллантиришни белгилаб беради.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш концепцияси ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш самарадорлигини оширишга қаратилган стратегия ва тактикаларни қамраб олади. Бу хизматлар сифатини ошириш, харажатларни камайтириш, фойдаланиш имкониятини яхшилаш ва мижозлар эҳтиёжини қондириш даражасини ошириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион технологиялар ва бизнес моделларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олиши мумкин.

Тадқиқот методологияси. Хизматлар соҳасининг комплекс стратегик таҳлилин амалга оширишда энг кенг қўлланиладиган ва қулай усуллардан бири SWOT-таҳлил усулидир. Ушбу усул биринчи бўлиб 1963 йилда К. Эндрюс томонидан фанга киритилган. SWOT-таҳлилнинг афзалликларидан бири сифатида унинг кенг миқёсда қўллаш имкониятининг мавжудлигини таъкидлаш мумкин. Бу инструмент нафақат корхоналар, балки иқтисодий тармоқлари, шаҳарлар, илмий соҳа, давлат институтлари фаолиятини таҳлил қилишда ишлатилади.

Ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг жадал ўзгариб бориши шароитида SWOT-таҳлилга бўлган талаб ҳам кучайиб бормоқда. Бунинг натижасида унинг турли хил такомиллашган кўринишлари вужудга келмоқда. Масалан, динамик SWOT-таҳлил ёки TOWS-таҳлил. Булардан TOWS-таҳлилга алоҳида эътибор қаратишни жоиз деб топдик.

TOWS-таҳлили ташқи имкониятлар ва таҳдидлар, шунингдек, ички кучли ва заиф томонларга асосланган стратегик вариантларни аниқлашга ёрдам берувчи стратегик режалаштириш воситасидир. Бунда ўрганилаётган объектнинг тўрт йўналишдаги ҳолатини келтириб ўтиш билан чегараланмасдан, пировард мақсаддан келиб чиққан ҳолда ҳаракатларни режалаштириш назарда тутилади. Ушбу таҳлил қуйидаги қўшимча саволларга жавоб берадиган стратегик муқобил вариантларни аниқлашга ёрдам беради:

Кучли томонлар ва имкониятлар (SO) – имкониятлардан фойдаланиш учун ўз кучли томонларингиздан қандай фойдаланиш керак?

Кучли томонлар ва таҳдидлар (ST) – ўзингизни ҳақиқий ва потенциал таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун кучли томонларингиздан қандай фойдаланиш керак?

Заиф томонлар ва имкониятлар (WO) – ўзингиздаги заиф томонларни енгиш учун ўзингизнинг имкониятларингиздан қандай фойдаланасиз?

Заиф томонлар ва таҳдидлар (WT) – заиф томонларингизни қандай камайтириш ва таҳдидлардан қочиш керак?

Таҳлил ва натижалар. Юқорида келтирилган технология бўйича стратегик таҳлилни амалга ошириш анъанавий SWOT-таҳлилдан фарқли равишда нафақат кучли, заиф томонлар, имкониятлар ва таҳдидларни аниқлашни, балки уларни биргаликда комплекс йўналтирган ҳолда муаммонинг ечимини топишга қаратилгани билан ажралиб туради. Ушбу таҳлилни амалга оширишда авваламбор одатий SWOT-матрицасини тузиб олиш зарур. Соҳанинг ривожланишига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда

келтирилган технология бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг SWOT-матричасини тузамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда хизматлар соҳаси ривожланишининг SWOT-матричаси

	Ижобий таъсир	Салбий таъсир
Ички муҳит	<i>Кучли томонлар:</i> Ўсиб бораётган иқтисодиёт Кенг кўламли бозор Ишчи кучи Туристик салоҳият Стратегик жойлашув	<i>Заиф томонлар:</i> Замонавий инфратузилманинг йўқлиги Бюрократия Молиялаштириш имкониятларининг чегараланганлиги Табиий ресурсларга боғлиқлик
Ташқи муҳит	<i>Имкониятлар:</i> Рақамлаштириш Иқтисодиётни диверсификациялаш Минтақавий интеграция Туризмни ривожлантириш Хорижий инвестицияларни жалб қилиш	<i>Таҳдидлар:</i> Сиёсий беқарорлик Минтақа мамлакатлари томонидан рақобат Экологик муаммолар Ташқи омилларга боғлиқлик

Ўзбекистон иқтисодиётига, хусусан хизмат кўрсатиш соҳасига таъсир кўрсатувчи омилларни батафсил кўриб чиқамиз:

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи кучли томонларни белгилаб берувчи асосий омиллардан бири – барқарор ўсиб бораётган иқтисодиётдир. Мамлакатимиз иқтисодиёти сўнгги йилларда инфратузилмани модернизация қилиш, хорижий инвестицияларни кўпайтириш ва иқтисодиётни диверсификация қилиш натижасида барқарор ўсиш суратларини кўрсатмоқда. Истеъмом бозорининг кўлами 36 миллиондан ортиқ аҳолига эга Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш корхоналари учун катта ички бозор мавжудлиги билан характерланади. Кейинги йилларда мамлакатда STEM таълимига катта эътибор қаратилаётганлиги туфайли олий маълумотли ишчи кучи кўлами кенгайган ва у IT ва технологик компаниялар учун жозибадор манба бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон сайёҳликни ривожлантириш учун салмоқли салоҳиятга, бой маданий меросга, тарихий обидалар ва табиий диққатга сазовор жойларга эга, улардан янада кўпроқ сайёҳларни жалб қилиш учун фойдаланиш мумкин.

Заиф томонларни ифодаловчи омиллар сирасига замонавий инфратузилманинг мавжуд эмаслигини киритиш мумкин. Инфратузилмани модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга қарамай, Ўзбекистон транспорт, телекоммуникация ва энергетика каби соҳаларда ҳамон жиддий муаммоларга дуч келмоқда. Бундан ташқари, мамлакатда йиллар давомида шаклланган бюрократия ҳамон мураккаб ва тизимли характерга эга, бу эса мамлакатда фаолият юритишни хоҳловчи тадбиркорлар учун тўсиқлар яратиши мумкин. Молиялаштириш имкониятларининг чегараланганлиги Ўзбекистондаги кўплаб хизмат кўрсатиш корхоналари, айниқса кичик ва ўрта кўламдаги корхоналар молиялаштириш манбаларидан фойдаланиш муаммосига дуч келиши эҳтимолини кучайтиради. Ўзбекистон иқтисодиётининг табиий ресурсларга, айниқса қазилма бойликлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига юқори даражада боғлиқлиги нархларнинг ўзгариши ва бозор тебранишларига нисбатан заифликни келтириб чиқариши мумкин.

Соҳани ривожлантиришда мавжуд имкониятлардан фойдаланиш зарур. Мамлакатимиз ҳукумати рақамлаштиришни рағбатлантириш ва рақамли инфратузилмага инвестицияларни жалб қилиш бўйича кенг миқёсда чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Бу эса, ўз навбатида IT ва технологиялар билан боғлиқ бошқа соҳалардаги компаниялар учун қўшимча имкониятларни яратади. Иқтисодиётни диверсификациялаш борасида мамлакатимиз ўз иқтисодиётини табиий ресурсларга қарамликдан узоқлаштириш, турли соҳаларда хизмат кўрсатувчи корхоналар учун янги имкониятлар яратишда иқтисодиётни диверсификациялашга ҳаракат қилмоқда. Минтақавий интеграция Ўзбекистоннинг Осиё

асосий логистик йўналишлари ва транспорт коридорлари кесишмасида стратегик жойлашганлигидан фойдаланиб, хизмат кўрсатиш компанияларига минтақавий бозорлар ва таъминот занжирларига чиқиш имкониятини беради. Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш, туризм ва меҳмондўстлик хизматларини кўрсатувчи корхоналар учун имкониятлар яратиш бўйича салмоқли салоҳият мавжуд.

Таҳдидларни тавсифловчи омиллар. Сиёсий беқарорлик – мамлакатимиз яқин ўтмишда сиёсий беқарорликни бошидан кечирган ва минтақада давом этаётган сиёсий таранглик мамлакатда фаолият юритаётган тадбиркорлар ва потенциал инвесторлар учун ноаниқлик туғдириши мумкин. Минтақа мамлакатлари томонидан рақобат мамлакатимизнинг қўшни давлатлар, айниқса Қозоғистон ва Қирғизистон билан рақобатлашишини назарда тутаяди, улар ҳам хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга интиломда. Яна бир муҳим таҳдид – бу экологик муаммолардир. Охириги йилларда жаҳонда кузатилаётган глобал иссиқлик, минтақамизда сув ресурслари тақчиллигининг кучайиши ва чўллашиш жараёнларининг жадаллашуви бўйича прогнозлар таҳдид сифатида қаралади. Ўзбекистон иқтисодиёти ташқи омилларга, масалан хом-ашё ва қазилма бойликларнинг жаҳон нархларига боғлиқлик даражаси юқори, бу мамлакатнинг хизмат кўрсатиш соҳасини диверсификация қилиш ва ривожлантириш жараёнларига таъсир қилиши мумкин.

Юқорида келтирилган ташқи ва ички омилларни ўрганиш натижасида уларнинг умумий нуқталарини аниқлаш ва ягона стратегияни ишлаб чиқиш мақсадида омилларнинг гуруҳлараро интеграциясини амалга ошириш зарур бўлади. Бунда TOWS-матрицасини шакллантириш таклиф этилади (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда хизматлар соҳаси ривожланишининг TOWS-матрицаси

<p>Ички омиллар</p> <p>Ташқи омиллар</p>	<p><i>Кучли томонлар:</i> Ўсиб бораётган иқтисодиёт Кенг қўламли бозор Ишчи кучи Туристлик салоҳият</p>	<p><i>Заиф томонлар:</i> Замонавий инфратузилманинг йўқлиги Бюрократия Молиялаштириш имкониятларининг чегараланганлиги Табиий ресурсларга боғлиқлик</p>
<p><i>Имкониятлар:</i> Рақамлаштириш Иқтисодиётни диверсификациялаш Минтақавий интеграция Туризмни ривожлантириш</p>	<p><i>SO (Maxi-Maxi стратегияси)</i> Рақамлаштириш сиёсати ва ишчи кучи потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун IT ва технологик соҳага инвестицияларни ошириш; Бой маданий мерос ва табиий диққатга сазовор жойлардан фойдаланиб туризм ва меҳмонхона хизматларини ривожлантириш; Табиий ресурсларга қарамлик даражасини камайтириб, хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори ўсиш салоҳиятига эга йўналишлари – таълим ва соғлиқни сақлашга инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига иқтисодиётни</p>	<p><i>WO (Mini-Maxi стратегияси)</i> Хизматлар соҳасининг юқори салоҳиятли тармоқларидаги имкониятлардан фойдаланиш учун кичик ва ўрта қўламдаги корхоналарга молиялаштириш манбаларини кенгайтириш; Инфратузилмани ривожлантириш, транспорт ва энергетика тармоқларини яхшилаш учун юқори малакали ишчи кучидан фойдаланиш; Инфратузилма муаммоларини ечиш ва юқори салоҳиятли хизмат кўрсатиш соҳаларига инвестицияларни ошириш учун минтақавий ҳамкорлар билан муносабатларни мустаҳкамлаш.</p>

	диверсификациялаш.	
<p><i>Таҳдидлар:</i> Сиёсий беқарорлик Минтақа мамлакатлари томонидан рақобат Экологик муаммолар Ташқи омилларга боғлиқлик</p>	<p><i>ST (Maxi-Mini стратегияси)</i> Хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай бизнес-муҳитни яратиш ва бюрократияни йўқотиш йўналишида давлат сиёсатини кучайтириш; Табиий ресурсларга қарамликни камайтирадиган, бозор тебранишлари ва нархларнинг ўзгаришига нисбатан чидамли диверсификацияланган иқтисодиётни ривожлантириш; Геосиёсий хавфларни юмшатиш учун минтақа давлатлари билан мустаҳкам алоқаларни ривожлантириш ва минтақавий интеграцияга эришиш.</p>	<p><i>WT (Mini-Mini стратегияси)</i> Бозор тебранишлари ва нархларнинг ўзгаришига нисбатан чидамли ҳамда юқори ўсиш потенциалига эга бўлган хизмат кўрсатиш соҳалари эътиборни кучайтириш орқали табиий ресурсларга қарамликни камайтириш; Хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш ва хавфсизлик хатарлари ҳамда геосиёсий таҳдидларни бартараф этиш учун молиялаштиришни осонлаштириш ва бюрократияни камайтириш; Хавфсизлик хатарлари ва геосиёсий таҳдидларни енгиш ҳамда қулай бизнес-муҳитини яратиш учун инфратузилма ва транспортга эътиборни кучайтириш.</p>

Умуман олганда, TOWS-таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ўз иқтисодиётини диверсификация қилишга эътибор қаратиши ва табиий ресурсларга қарамликдан воз кечиши, инфратузилма ва транспортга сармоя киритиши, хорижий инвестицияларни жалб қилувчи қулай бизнес-муҳитни яратиши керак. Юқори малакали ишчи кучидан фойдаланган ҳолда ва минтақавий ҳамкорлар билан мустаҳкам алоқаларни ривожлантириш орқали Ўзбекистон хавфсизликка оид хатарлар ва геосиёсий таҳдидларни енгиб ўтиши ҳамда ўсиб бораётган иқтисодиёти ва бой маданий мероси билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида келтирилган натижаларни умумлаштирган ҳолда ҳамда стратегик режаларнинг бажарилишига эришиш асносида 2040 йилга бориб Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотга салмоқли ҳисса қўшадиган хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиб бораётган, янада диверсификацияланган ва замонавий иқтисодиётга айланиши мумкин. Мамлакатда рақамлаштириш ва технологик соҳаларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган бугунги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бериши мумкин ва Ўзбекистоннинг IT-хизматлари ва инновациялар бўйича минтақавий марказга айланиш эҳтимоли жуда юқори. Туризм ва меҳмонхона хизматлари мамлакатнинг бой маданий мероси ва табиий диққатга сазовор жойлари, шунингдек, коммуникациялар ва фойдаланиш қулайлиги туфайли ҳам ривожланиши мумкин.

Мамлакатимиз инфратузилмаси ва транспорт тармоқларини мамлакатни минтақавий ҳамкорлар ва хорижий давлатлар билан боғлаш имконини берувчи автомобил ва темир йўллар, шунингдек, аэропортларни яхшилаш орқали сезиларли даражада ривожлантириш мумкин. Ҳукуматнинг бюрократияни қисқартириш ва ишбилармонлик учун янада қулай муҳит яратиш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлари жиддий хорижий инвестицияларни жалб қилиши, жаҳон андозалари даражасидаги инфратузилма, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини ривожлантиришга олиб келиши мумкин.

Минтақавий интеграциянинг чуқурлашиши кўшнилари билан муносабатлар ва ҳамкорлик келишувларини мустаҳкамлаши, савдо ва инвестициялар киритиш учун янги имкониятларни яратиши мумкин. Шунингдек, бу Ўзбекистоннинг ўсиши ва

ривожланишига тарихан тўсқинлик қилган геосиёсий хатарларни ва хавфсизлик билан боғлиқ муаммоларни юмшатишга ёрдам беради.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг 2040 йилдаги ривожланишини кўп тармоқли иқтисодиёт, тараққий этган хизмат кўрсатиш соҳаси, замонавий инфратузилма ва транспорт тармоқлари, минтақавий интеграциянинг юқори даражаси, янада қулай ишбилармонлик муҳити билан тавсифлаш мумкин. Бироқ бу мақсадга эришиш учун барқарор савий-ҳаракатлар ва ислоҳотларни давом эттириш, шунингдек, жаҳоннинг иқтисодий ривожланиш тенденциялари, геосиёсий кескинлик ва экологик омиллар таъсирида юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш зарур.

Ф.Сафаров	F. Safarov
Возможности проведения комплексного стратегического анализа сферы услуг в Узбекистане с использованием TOWS-матрицы	Opportunities for conducting a comprehensive strategic analysis of the service sector in Uzbekistan using the TOWS matrix
<p>Аннотация: в статье проводится комплексный стратегический анализ сферы услуг в нашей стране с использованием усовершенствованной формы SWOT-анализа – матрицы TOWS. В результате изучения внешних и внутренних факторов предлагается осуществить их межгрупповую интеграцию.</p> <p>Ключевые слова: сфера услуг, стратегия, SWOT-анализ, TOWS-матрица, положительное влияние, отрицательное влияние, внутренняя среда, внешняя среда.</p>	<p>Abstract: the article provides a comprehensive strategic analysis of the service sector in our country using an improved form of SWOT analysis - the TOWS matrix. As a result of studying external and internal factors, it is proposed to carry out their intergroup integration.</p> <p>Keywords: service sector, strategy, SWOT analysis, TOWS matrix, positive influence, negative influence, internal environment, external environment.</p>

Orzujon Mamasoliyevich Rajabov – SamISI mustaqil izlanuvchisi

LOGISTIKA XIZMATLARI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA RAQAMLI TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

<p>Annotatsiya: mazkur maqolada raqamli iqtisodiyotga o‘tishda raqamli texnologiyalardan iqtisodiyot-ning turli soha va tarmoqlarida foydalanish, jumladan, logistika xizmatlari ko‘rsatishda raqamli texnologiyalardan foydalanishning dolzarb masalalari yoritilgan. Logistika xizmatlari samaradorligini oshirishda raqamli texnologiyalar sifatida maqolada blokcheyn, Big Data, buyumlar Interneti (The Internet of Things - IoT), 3D bosib chiqarishdan foydalanish masalasi ko‘rib chiqilgan.</p> <p>Kalit so‘zlar: raqamli logistika, raqamli texnologiyalar, blokcheyn, Big Data, buyumlar Interneti (The Internet of Things - IoT), 3D bosib chiqarish, aqlli transport tizimlari, uchuvchisiz transport vositalari.</p>
--

Kirish. Global zamonaviy tadqiqotlarning dolzarb mavzularidan biri milliy iqtisodiyot va uning alohida tarmoqlarini raqamli transformatsiya qilish hisoblanadi. Raqamlashtirish iqtisodiy faoliyatning barcha sohalarini, jumladan, logistika xizmatlari va uning infratuzilmasini ham qamrab olmoqda. Logistika sohasini raqamlashtirish natijasida yangi “Logistika 4.0 yoki raqamli logistika” konsepsiyasi rivojlanmoqda. Logistika xizmatlari sohasida raqamli texnologiyalardan foydalanish xarajatlarini kamaytirish, logistika jarayonlarining tezligi, moslashuvchanligi va samaradorligini oshirish imkonini beradi. Shu orqali alohida korxonalar va umuman mamlakat iqtisodiyotining raqobatbardoshligini oshirishga yordam beradi.

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

27.05.2024 йилда теришга берилди. 14.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.